

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНСИЙ ДАХЛСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР СОДИР ЭТГАН ЖИНОЯТЧИ ШАХСНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАСНИФИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси

Жуманиёзов Нодирбек Ғиёс ўғли

Аннотация: *Долзарблиги: Сўнгги пайтларда ижтимоий тармоқларда бот-бот вояга етмаганларга нисбатан тажовузлар содир этилаётгани ҳақида хабарлар тарқаяпти. Ҳатто, бу воқеаларнинг айримлари болаларнинг ўлими билан тугамоқда. Кенгроқ миқёсда қаралганда, нафақат бизда, балки бутун дунё бўйлаб педофилия билан боғлиқ жиноятлар сони ошаётганини кузатиш мумкин. Бу турдаги жиноятларни камайтириш, бутунлай йўқотиш учун тегишли кескин чоралар кўриш вақти етди. Яқинда кетма-кетликда рўй берган ҳолатлар: Тошкентда ўн икки ёшли қизнинг фожиали ўлими, Хоразмдаги воқеалар вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик мавзусидаги муҳокамаларнинг салмоқли кўпайишига олиб келди. Оммада талай хато қарашлар, фикрлар кузатилди, иккала ҳолатга ҳам бир нуқтадан қаралди. Жамиятда бу масалада билимнинг етишмаслиги кўринди, натижада муаммо билан курашишда тўсиқлар вужудга келиши мумкин. Ушбу мақолада, 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқада бўлиш жиноятига қарши курашнинг миллий ва хорижий тажрибалар таҳлили ҳамда ушбу жиноят ривожланиш тарихи ёритилган.*

Калит сўзлар: *16 ёшга тўлмаган шахс, жинсий алоқада бўлиш, дахлсизлик, педофилия, жисмоний зўравон, жинсий эркинлик.*

Маълумки, жиноят содир этган шахснинг ижтимоий хавфли ва айбли қилмишлари билан боғлиқ бўлган муаммоларни криминология фани тадқиқ этади. Зеро, жиноят содир этган шахсларни илмий жиҳатдан ўрганиш ўзининг мазмун ва моҳиятига эга бўлиб⁴, мазкур маълумотларни ўрганиш асосида ушбу турдаги жиноятларни камайтиришга ҳамда жабрланувининг жабрланиш эҳтимолини пасайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят содир этган шахсларни криминологик тавсифлаш ва уларни ўрганиш ушбу тоифадаги шахсларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашни режалаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Жиноятчилик ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганилганида, жиноятчи шахси ва унинг хусусиятлари ҳам ўрганилади⁵. Модомики, болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларни содир этган шахсларнинг ижтимоий-хавфли қилмишлари, криминологик белгилари, психологик хусусиятлари, ғайриахлоқий

⁴ Криминология: / Дарслик. –Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2007. –Б. 84.

⁵ Исмолова Г. Оила ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминловчи омил сифатида // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари журналы. – Т., 2013. №1 (61). – Б. 134.

қарашларини тадқиқ этиш орқали уларга хос бўлган барча зарур маълумотларни ўрганиш мумкин.

Болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятлар билан боғлиқ муаммолар криминология, психология ва жиноят ҳуқуқи фанида ҳам ғоятда баҳсли бўлиб, турли соҳа мутахассислари томонидан жиноятчи шахсига нисбатан турлича фикрлар билдирилган. Зеро, болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятлар билан боғлиқ муаммолар, ҳар бир миллат менталитети, ўша жамиятда устувор бўлган юриш-туриш қоидалари, урф-одатлар ва аънаналар доирасида турли тадқиқотларнинг предмети бўлиб келган⁶.

Ёш болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларни содир этган шахслар деганда албатта хаёлимизда “педофиллар”⁷ тасвирланади.

Педофилия⁸ — катталар ёки ўсмирларнинг балоғатга етмаган болаларга нисбатан асосий ёки эксклюзив жинсий мойилликни бошдан кечирувчи психиатрик касалликдир⁹. Қизларда балоғатга етиш жараёни одатда 10 ёки 11 ёшда, ўғил болаларда эса 11 ёки 12 ёшда бошлансада¹⁰, педофилия мезонлари балоғатга етишнинг чегараланиш нуқтасини 13 ёшгача узайтиради¹¹. „Педофилияга мойил“ (педофил) дея номланиш учун шахс, камида, 16 ёшда ва балоғатга етмаган боладан камида беш ёш катта бўлиши керак¹².

“Педофилия” — бу касаллик. Уни деярли даволаб бўлмайди. Агарда кишини ўзида тузалиши учун кучли хоҳиш бўлса, уни босқичма-босқич мутахассислар кўмагида даволаш мумкин. Кўпинча улар ўз тузоғига ота-она назоратисиз қолган болаларни илинтиришади.

Жинсий зўравонликка мойил шахслар ўз тенгдошлари, яъни катталар билан чиқиша олмайдиган, улар олдида ожиз ёки хоҳиш-истакларини очик айта олмайдиган, аксар ҳолларда одамови ва кўрқоқ кимсалар. Шу сабабдан улар ўзидан ҳам жисмонан, ҳам ақлан кичик, кучсиз бўлган болаларга таҳдид қилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аввало, кишининг бундай бўлиб қолишига асосий сабаб — оиладаги носоғлом муҳитдир. Шунингдек, 13-14 ёшгача бўлган даврда бош мия жароҳатини олганлар ҳам баъзи ҳолларда педофил бўлиб қолиши мумкин. Маълумотларга кўра, педофилларнинг 90 фоиздан ортиғи эркак жинсига мансуб¹³.

Педофиллар деганда учта тоифадаги шахслар тушунилади:

⁶ Шоумаров Ғ.Б. Оила ва муҳаббат. – Т., 1996. – Б. 6.

⁷ Педофилия (от др.-греч. παις, п.п. παῖς — «ребёнок» и φιλία — «любовь»), иначе ^[3] инфантосексуализм ([англ.](#) infantosexuality, infantosexuality), падерозия ([фр.](#) pédérose), педосексуальность ([нем.](#) Pädosexualität, [англ.](#) pedosexuality) — одна из множества [парафилий](#). Лиц, у которых диагностировано данное влечение, называют педофилами.

⁸ [Criminological and Forensic Psychology. SAGE Publications](#), 2013 — 155 bet. ISBN 978-1118510377. 7-iyul 2018-yilda qaraldi.

⁹ <https://uz.wikipedia.org/wiki/Pedofiliya>

¹⁰ Kail, RV. [Human Development: A Lifespan View](#), 5th, Cengage Learning, 2010 — 296 bet. ISBN 978-0495600374. 2016-yil 15-aprelda qaraldi.

¹¹ [Diagnostic and Statistical Manual of Mental Disorders, 5th Edition. American Psychiatric Publishing](#), 2013. 25-iyul 2013-yilda qaraldi.

¹² [Diagnostic and Statistical Manual of Mental Disorders, 5th Edition. American Psychiatric Publishing](#), 2013. 25-iyul 2013-yilda qaraldi. [The ICD-10 Classification of Mental and Behavioural Disorders Diagnostic criteria for research World“](#). [World Health Organization/ICD-10](#) (1993). — „B. A persistent or a predominant preference for [sexual activity](#) with a prepubescent child or children. C. The person is at least 16 years old and at least five years older than the child or children in B.“. 2016-yil 18-iyunda asl nusxadan [arxivlangan](#). Qaraldi: 2012-yil 10-oktyabr.

¹³ <https://zamon.uz/detail/zorlangan-11-yoshli-bola-haqidagi-mudhish-xabardan-songgi-oylar-jamiyat>

Биринчиси – бошиданоқ жинсий шерик сифатида болаларни афзал кўрадиганлар.

Иккинчи тоифага – дастлаб катталарга кўнгли мойил бўлган, лекин катталар билан ўзаро муносабатлардаги омадсизликлар натижасида диққатини болаларга қаратган педофиллар киради.

Учинчи тоифа – бу нафақат бошқа одамларнинг болалари, балки ўз фарзандлари, қариндошлари билан ҳам жинсий алоқада бўлишдан тап тормайдиган манқуртлар киради.

Педофилия ташхиси психиатрик текширувлардан сўнг, психиатр шифокор томонидан қўйилади¹⁴.

Психолог Мадина Мийтаннинг фикрича, педофиллар кўпинча ўзларини ошкор қилади, лекин уларнинг кўпчилиги ҳеч қачон ўз фантазияларини амалга оширишга журъат эта олмайди. Яширин бўлган педофиллар бор. Психологик суриштирувларга кўра ҳақиқатан ҳам, кўплаб педофиллар болалигида ўзлари бошқа одамлар томонидан жинсий ҳаракатлар қурбони бўлишган: одобсиз тегинишлар, узоқ вақт тушунарсиз жинсий ҳаракатлар, эротик «ўйинлар» ва зўрланиш.

Педофиллик хулқ-атвори учун судланганлар орасида тахминан 30 фоизи болалигидан шундай қурбонлик тажрибасини олишга маҳкум бўлганлар. Педофиллар орасида ақлий заифлик ташхиси қўйилганлари камроқ (15 фоиз ҳолларда). Бундай одам ўзига яқин ҳиссий етуклик даражасига эга бўлган шерикни излашга интилади. Бундай шерик билан у ўзини қулай ва ишончли ҳис қилади. Ва, бунда кўпинча қурбон болалар бўлади. Атроф-муҳит, таълим ва эрта номақбул жинсий таассуротлар ҳам педофиллик йўналишини шакллантиришга таъсир қилади. Таълим сифати паст давлатларда шунинг учун ҳам бу кўрсаткич баланд ҳисобланади. Ва, албатта, доимий бунақа хабарларнинг психик носоғлом одамларга таъсири кучлироқ бўлади. Шунинг учун хабарлар тарқалаётганда доимо эътиборли бўлишимиз керак. Баъзида, жабрдийдага ёрдам берамиз деб ОАВ дан тескари эффект учун ишлаб қўйишимиз ҳам мумкин. Орамизда «улар» борлигини унутмаслигимиз керак»¹⁵.

М.Иброҳимова фикрича пала-партиш жинсий ҳаёт кечирувчи, гиёҳванд, психотроп моддалар, спиртли ичимликлар таъсирида эс-ҳушини йўқотганлар ҳам ўзи билмаган ҳолда педофилга айланиб қолиши мумкин. Шунинг учун сергак она бўкиб ичиб олган, гиёҳвандлик туфайли сархуш ётган эри, ака-ука, ҳатто отасининг олдида фарзандларини йўлламайди ва уларни асло ёлғиз қолдирмайди. Яна жинсий таҳқирланганлар, зўрланган собиқ маҳкумлар ҳам педофилликка мойил бўлади¹⁶.

Психологнинг таъкидлашича турмуши бузилган баъзи аёллар қайта турмуш куради ва ҳали яхши синалмаган, лекин ўта меҳрибон кўринаётган ўғай отага болаларини ишониб қолдиради. Педофил учун эса бу айтиш муддао. Шов-шув бўлиб,

¹⁴ <https://xabar.uz/tahlil/yana-pedofiliya-bunday-odamlar-tuzaladimi>

¹⁵ <https://xabar.uz/tahlil/yana-pedofiliya-bunday-odamlar-tuzaladimi>

¹⁶ Ўша манбаа.

жамиятни ларзага келтирган кўп жиноятларда жиноятчи, айнан ўгай ота ёки она бўлиб чиқаётгани тадқиқотимизнинг исботидир¹⁷.

Фақат ўзбеклигимизга бориб ёки халқ ғзабидан кўрқиб, жиноят иши малакаланаётганда педофилия аломатлари ҳар доим ҳам ошкор этилмайди.

Классик рухий хасталардаги (шизофрения, маниакал-депрессив психоз) барча ҳолатларни атиги 4 фоизида бундай педофил хатти-ҳаракатлар кузатилган. Яъни, бу ташқаридан ҳаммамиз учун кўриниб турган рухий касаллар «педофил бўлиши мумкин» деган шубҳа, хавотир билан гумонланиб ҳаммасидан бирдай кўрқишимиз шарт, дегани эмас. Жуда камдан-кам ҳолларда, кўзгатувчи неврологик касаллик (масалан, эрта деменция) ёки мия шикастланишида педофиллик ҳолатлар кузатилиши мумкин. Қизиғи шундаки, педофилларнинг аксариятини эркаклар ташкил қилади. Аёлларда педофилия ҳолатлари ҳали ҳам жуда кам ўрганилган¹⁸.

Психологларнинг таъкидлашича педофилизм дардига йўлиққан касалларга нафратлар, хитоблар мутлақо таъсир қилмайди. Саратонга чалинган одамларни шеър ва таъсирли мақола, роликлар билан даволаш мумкин бўлмагандай, педофилларни ҳам даволаб бўлмайди, даволаш ҳозирча аниқ ишлаб чиқилган схемага эга эмас. Аксарият ҳолларда бундай оғишни тузатиш жуда қийин. Одатда, яхшиланиш фақат одамнинг ўзи даволанишни жуда хоҳласа самара беради. Аксарият ҳолларда прогноз шубҳали.

Педофилия ҳар доим ҳам алоҳида касаллик бўлиб учрамайди. Баъзи ҳолларда шизофрения, психопатия, истерия ёки бузуқ тарбиянинг кўринишлари билан бирга намоён бўлади. Одатда бу ҳолатда психиатрлар характер патологияси ҳақида гапиришади, чунки аксарият педофиллар ўзларининг ҳаракатлари ғайритабiiй, ҳалокатли ва болага тузатиб бўлмайдиган маънавий шикаст етказиши мумкинлигини яхши билишади¹⁹.

Бироқ у камалган билан жамият педофиллардан тозаланиб қолмайди. У кастрация қилинса ҳам. Халқаро тиббиёт классификациясига кўра касаллик ҳисобланувчи педофилия йўқ бўлмайди. Уни таг-томири билан йўқ қилиш учун эса ҳукумат ота-оналарни мардикорлик тамғасидан кутқариб, муносиб иш бериши, болалар бегоналар кўлида эмас, оила кучоғида катта бўлиши керак. Гормон терапияси²⁰ бугунги кунда педофилия учун энг истикболли даволаш ҳисобланади дейишмоқда тадқиқотларчилар. Ушбу препарат эркаклик гормони бўлган тестостеронни ишлаб чиқаришни бостиради. Ҳозирда бу простата саратонини даволашда қўлланилмоқда, аммо тадқиқотчилар синов якунлангач уни педофилларда қўллаш учун янги йўлларни очишига умид қилишмоқда²¹.

¹⁷ Ўша манбаа.

¹⁸ <https://xabar.uz/tahlil/yana-pedofiliya-bunday-odamlar-tuzaladimi>

¹⁹ Ўша манбаа.

²⁰ Заместительная гормональная терапия (ЗГТ) — терапия, целью которой является фармакологическая замена утраченной гормональной функции яичников. В терапии используются эстрогены, гестагены, в некоторых случаях андрогены.

²¹ <https://xabar.uz/tahlil/yana-pedofiliya-bunday-odamlar-tuzaladimi>

Кўпчилик олимлар болаларга нисбатан жинсий жиноятлар содир этган барча шахсларни педафил дейишади, аммо бу нотўғри қараш бўлиб, юқорида таъкидлаганимиздек, педофилия психик касаллик. Ушбу параграфда педофилларни эмас болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларни содир этган шахсларнинг криминологик жихатларини ўрганиб чиқамиз.

Жиноятчи шахсини тавсифловчи энг муҳим криминологик белгилардан бири унинг ёшидир. Шахснинг ёш хусусиятлари унинг муҳит билан ўзаро алоқасига, маънавий оламнинг ички моҳиятига, хулқ-атворида яққол ифодаланган иккиланишлар ва беқарорликка сезиларли даражада таъсир кўрсатади²². Жиноятчи шахсининг криминологик таҳлилида ёшга оид тавсиф билан бир қаторда унинг маълумот даражаси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Инсоннинг маълумот даражаси унинг талаб, эҳтиёж ва манфаатларини, маънавий-ахлоқий ва маданий кўринишларини шакллантиради²³.

Тадқиқот доирасида ўрганилган жиноят ишлари доирасида болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятлар содир этган жиноятчи шахсларнинг ёшига оид маълумотлар ўрганилганида, уларнинг 22,3%ини 18-25 ёшдаги, 30,6%ини 25-35 ёшдаги, 19,9%ини 35-45 ёшдаги, 15,5%ни 45-55 ёшдаги ҳамда 11,7% 55 ёшдан юқори бўлганлар ташкил этди. Аммо, шу ерда яна бир масалага эътибор қаратишимиз лозим. 2000 йилдан 2010 йилгача содир этилган шу турдаги жиноятлар бўйича ёшга доир маълумотлар ўрганилганда 9,3%ини, 2010-2016 йилларда 12,9%ини, 2016-2021 йилларда 18,2%ини, 2021-2024 йилларда эса 22,3%ини 18-25 ёшдаги шахслар томонидан содир этилётганлиги ушбу турдаги жиноятлар “ёшараётганлигини” билдиради. Бу эса барчамизни ташвишга солиши лозим.

Бу борада Ф.Тохиров ёшларнинг ерта жинсий ҳаётга киришиши билан²⁴, Қ.П.Пайзуллаев эса шу ёшдаги қатламнинг жинсий алоқага киришиш иштиёжи баландлиги билан изохлашади.

Фикримизча ҳам ушбу олимлар изоҳлари тўғри бўлиб, ёшларнинг жисмоний ва маънавий ривожланиши 2000 йилларга қараганда 4 баробар тезлашганлиги, ўсмирнинг нотўғри тарбияланишини белгиловчи шарт-шароит омиллари, ёши катта жиноятчиларнинг далолатчилиги, зўравонлик ва қонунсизликни ифодаловчи китоблар ва фильмлар таъсири ҳамда яшаш, ўқиш ёки иш жойидаги муҳитнинг салбий таъсири каби омиллар бевосита ушбу жараёнга таъсир қилади. Ундан ташқари жиноят содир этишнинг ёшариши фақат жинсий жиноятларга эмас бошқа турдаги жиноятларга ҳам хосдир.

²² Исмоилов Н.Т. Вояга етмаганлар жиноятларини индивидуал олдини олиш муаммолари: юрид. фан. номз. дисс.-я. –Т., 2007. –Б. 73.

²³ Отажонов А.А. Жиноятга дахлдорлик: жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жихатлар: юрид. фан. номз. дисс. –Т., 2009. –Б. 90.

²⁴ Ф.Тахиров. Ўзбекистон Республикаси қонуни бўйича жинсий жиноятлар учун жавобгарлик муаммолари. 12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи криминология. Жиноят ижроия ҳуқуқи ихтисослиги бўйича юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. УДК 343.54.34. (5751). Тошкент 2007. Б. – 99.